

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ALKOGOL VA TAMAKI
BOZORINI TARTIBGA SOLISH
HAMDA VINOCHILIKNI
RIVOJLANTIRISH
AGENTLIGI**



**AGENCY OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN FOR
REGULATION OF THE
ALCOHOL AND TOBACCO
MARKET AND WINE
DEVELOPMENT**

100011, Toshkent sh., Abay ko‘chasi, 6-uy, (998-71) 202-99-11, 244-17-60, 244-49-98
e-xat: alcotobacco@exat.uz, e-mail: devonxona@alcotobacco.uz,



23.11.2022
02-05/3070

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги
Ғазначилигига**

Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан Озиқ-овқат маҳсулотлари ва техник этил спирти, алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва айланмаси бўйича ўлчаш комплексларидан маълумот олиш ахборот тизими модулини яратиш бўйича etender.uzex.uz электрон тизими орқали тегишли тартибда танлов эълон қилинган.

Ушбу танлов (*лот рақами 117200*)яқунлари натижасига кўра “CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖ танлов ғолиби деб аниқланган.

Шунингдек, мазкур лотда иштирок этган ва захира ғолиб сифатида аниқланаган “SPECIAL TEXNO SOFT” МЧЖ билан ғолиб сифатида аниқланган “CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖлар ўртасидаги боғлиқлик, яъний, МЧЖ тасисчилари рўйхати ўзаро мос келиши билан “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси талабларига зид равишда иштирок этганлиги аниқланган ҳамда ушбу ҳолат бўйича Харид комиссиясининг 2022 йил 25 июлдаги 10-сонли баёни (*илова қилинади*) билан расмийлаштирилган ва шартнома тузиш рад этилган.

Бугунги кунда мазкур эълон қилинган лот бўйича шартнома тузилмаган бўлсада, Агентликнинг харажатлар сметасида лот суммасига банд қўйилганлиги сабабли ушбу белгиланган маблағдан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас.

Юқоридагилардан ҳамда бюджет бюртмачилари томонидан фойдаланиб келинаётган etender.uzex.uz электрон платформада жойлаштирилган лот бўйича шартнома тузилмаган ҳолларда банд қилинган маблағни бўшатишнинг техник имкониятлари мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, ушбу лотни электрон шартнома кўринишида юбориш ва қабул қилингандан сўнг бекор қилиш орқали банд қилинган маблағни бўшатиш юзасидан амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Илова _____ варақда.

Директор ўринбосари



Ш. Ражабов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Харид комиссияси

раиси

Ш. Ражабов

“ ” 2022й.

**Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш
хамда виночиликни ривожлантириш агентлиги харид комиссияси
йиғилишининг**

10-сонли Баённомаси

2022 йил 25 июль

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

Ш. Ражабов - Директор ўринбосари

Қатнашдилар:

Н. Эрматов - Ишлар бошқарувчиси

С. Саломов - Саноат корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, стандартлаштириш ва инновацияларни жорий қилиш бўлими бошлиғи

Ш. Рўзматов - Комплаенс назорати бош мутахассиси

К. Джумаев - Юридик бюро бошлиғи

М.Матёқубов - Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиғи
в.в.б

Кун тартиби:

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва техник этил спирти, алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва айланмаси бўйича ўлчаш комплексларидан маълумот олиш ахборот тизими модулини ишлаб чиқиш бўйича эълон қилинган (лот рақами 117200) танлов бўйича аниқланган ғолиб ва иштирокчиларни “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига мослигини ўрганиш ишлари натижасини муҳокама қилиш тўғрисида

Харид комиссияси раиси ўринбосари Н.Эрматов сўзга чиқиб, йиғилишда харид комиссия аъзоларидан 5 киши иштирок этаётганини маълум қилиб, кворумга риоя этилгани, яъни 50% дан кўп бўлгани сабабли йиғилишни бошлаш таклифини киритди.

Бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилди.

Бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан харид комиссияси раисининг ўринбосари Н.Эрматов қуйидаги маълумотни берди.

Агентлик харид комиссияси томонидан Республика товар хом-ашё биржасининг harid.uzex.uz электрон тизимига эълон қиритилган бўлиб, № 117200-сонли лот бўйича давлат харидлари амалга оширилиб, танлов ўтказилганини, танловда қатнашган иштирокчиларнинг таклифларини harid.uzex.uz электрон тизими орқали Харид комиссия аъзолари томонидан баҳоланганлигини, баҳолаш натижаларига кўра танловда “CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖ танлов ғолиби деб аниқланганини ҳамда баённома расмийлаштирилганини маълум қилди.

Шундан сўнг, Агентликнинг комплаенс назорати бўйича бош мутахассис – Харид комиссия аъзоси Ш. Рўзматов сўзга чиқиб, ушбу 117200-сонли лотда иштирок этган жами 2 та хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ўрганилганлигини ҳамда уларнинг таъсисчилари орасида ўзаро аффилиланган шахслар борлиги аниқланганлигини маълум қилди. Жумладан, расмий статистика сайтидан олинган маълумотларга кўра:

- ушбу лотда иштирок этган ва ғолиб деб топилган “CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖнинг таъсисчилари ва уларнинг улушлари тўғрисидаги маълумотларда SADIKXODJAYEV RUSTAMXON ARAPXODJAYEVICH 50 %, KO ANDREY NIKITOVICH 50 %;

- ушбу лотда иштирок этган ва захира ғолиб сифатида аниқланган “SPECIAL TEXNO SOFT” МЧЖнинг таъсисчилари ва уларнинг улушлари тўғрисидаги маълумотларда худди шундай KO ANDREY NIKITOVICH 10 % ва SADIKXODJAYEV ANVARXON ARIPXODJAYEVICH 10 % улушдаги иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар киритилган (*расмий манбаадан print screen файл илова қилинади*).

Юқоридаги иштирокчи МЧЖлар таъсисчилар орасида ҳар иккаласида ҳам KO ANDREY NIKITOVICH мавжудлиги ҳамда SADIKXODJAYEV RUSTAMXON ARAPXODJAYEVICH ва SADIKXODJAYEV ANVARXON ARIPXODJAYEVICHларнинг шарифи ва отасининг исми бир хиллигидан келиб чиқиб яқин қариндошлар (*ака-ука*)лигини кўриш мумкинлигини йиғилиш иштирокчиларига маълум қилинди.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Агентликнинг юридик бюро бошлиғи – Комиссия аъзоси К. Джумаев сўзга чиқди ҳамда юқоридаги ҳолат бўйича иштирокчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси талабларига зид равишда иштирок этганлиги ва бунинг натижасида манфаатлар тўқнашуви эҳтимоллари юқорилигини таъкидлади.


Кун тартибидаги масалани ўрганиб чиқиб, Харид комиссияси йиғилиши


ҚАРОР ҚИЛДИ:


1. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва техник этил спирти, алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва айланмаси бўйича ўлчаш комплексларидан маълумот олиш ахборот тизими модулини ишлаб чиқиш бўйича 117200-сонли лотда иштирок этган ва ғолиб бўлган “CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖ ва захира ғолиб сифатида аниқланган “SPECIAL TEXNO SOFT” МЧЖлар ушбу танловдан “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларини бузганлиги сабабли четлатилсин ҳамда шартнома тузиш бекор қилинсин.


2. Ишлар бошқармаси (Н.Эрматов) ушбу қабул қилинган қарорни бир кун муддатда четлатилган иштирокчиларга ёзма равишда етказилишини таъминласин.


Комиссия аъзолари


Н. Эрматов


С. Саломов


К. Джумаев


Ш. Рўзматов


М. Матёкубов